

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 23 июль, № 142 (5816) Сешанба


*Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит нафақат янги, замонавий корхоналарнинг ташкил этилишига, балки рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқариш жараёнига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, айниқса, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.*



**Инвестиция:**

# ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ



ИСЛОҲОТ

Маълумки, ўзбек пахта толаси сифат кўрсаткичлари бўйича дунё бозорида ўз ўрнига эга. Бу эса иқтисодиётимизнинг яна бир муҳим тармоғи — енгил саноат тизимини ривожлантириш орқали ички бозорни тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар билан тўлдириш имконини ошираяпти. Шу боис пахтани қайта ишлаш ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг изчил модернизация қилинаётгани айни муддао бўлаётир.

Жумладан, Навоий шаҳридаги “Бахт текстиль” қўшма корхонасида ҳам ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Бу ерга жорий йилнинг ўзида 2 миллион 727 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, ўтган олти ой ичида қарийб 4 минг тонна калава ип ёки 16 миллиард 228 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу 158,9 фоизга кўпдир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 18 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.*

## I. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастлигини, давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини (442,4 миллион доллар) ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва уларни янада диверсификация қилишга доир дастурий чора-тадбирларнинг ижроси саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоизга ошириш имконини берди.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши, стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,5 фоиз ва қурилиш ишларини 16,1 фоизга оширишни таъминлади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 14,4 фоиз, чакана савдо айланмасини 14,6 фоиз, хизматлар кўрсатишни 12,1 фоизга оширишни таъминлади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини кенгайтириш аҳоли реал даромадининг 16,3 фоизга барқарор ошишида муҳим омил бўлди.

***2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари***

(2012 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 108,0 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 108,2 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 114,4 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | 107,3 |
| Қурилиш ишлари | 116,1 |
| Чакана савдо айланмаси | 114,6 |
| Пуллик хизматлар | 111,0 |
| Жами хизматлар | 112,1 |

## II. Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш

Иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришларни диверсификация қилишга доир иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш ва уларни диверсификация қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (123 фоиз), енгил саноат (115,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (111,9 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (105,3 фоиз), озиқ-овқат саноати (107,1 фоиз) каби тармоқларда жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида ушбу тармоқлар улуши 2012 йилнинг биринчи ярмидаги 53 фоиз ўрнига 56,1 фоизга ошди.

1233 янги ишлаб чиқариш қувватларининг, жумладан, енгил ва тўқимачилик саноатида (369 объект), озиқ-овқат саноатида (361), қурилиш материаллари саноатида (267), ёғочни қайта ишлаш (79), машинасозлик (12), кимё саноати (13) ва бошқа тармоқларда (132) ташкил этилиши саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди.

Енгил ва юк автомобиллари, автомобиль двигателлари, тракторлар, трактор тиркамалари, сигнализация-блокировка кабеллари, ўрнатиш симлари, компрессорлар, пахта газлама, трикотаж буюмлар ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан анча ошди.

(Давоми 2-бетда).

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

*Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 январдаги мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларнинг бажарилиши атрофлича таҳлил қилинди.*

# Устувор вазифалар ижроси таҳлил қилинди

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалий самаралари жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятнинг барча макроиқтисодий кўрсаткичларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланганида яққол намоён бўлди. Хусусан, ҳисобот даврида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 5,8 фоизни ташкил этди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,8, қурилиш 10,4, чакана савдо айланмаси 16,4, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,2, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 14 фоизга ўсди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўн тўққизта корхонада 43 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. Хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида жойларда мазкур йўналишда 870 тадан ортиқ янги объект ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар улушининг 46,6 фоизга етишида муҳим омил бўлди.

Йиғилишда “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросига алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 279,8 млрд. сўм йўналтирилди.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 44,3 мингта иш ўрни яратилди. Унинг 31 мингдан ортиғи қишлоқ жойларда ташкил этилгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Йиғилишда қишлоқларда намунавий лойиҳа бўйича уй-жойлар қуриш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий соҳа иншоотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган ютуқлар ва ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилаётгани таъкидланиб, уларни бартараф этиш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

*Андижон вилоятида етиштириладиган сархил ноз-неъматлар қаторига субтропик мева — киви ҳам қўшилди.*

## Киви ҳосилга кирди

— Отам Назиржон Сулаймонов 1999 йили Чилустун тоғ тизмалари ён-бағрига киви кўчатларини ўтқазганди, — дейди Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳабибулло Сулаймонов. — Қаранг-ки, субтропик иқлим шароитида томир отиб, ҳосил берадиган бу дарахт еримизда ҳам яйраб ривожланди. Унинг мевага кириши осон кечмади. Ўн йил деганда, шохларида ёнғоқсимон мевалар пайдо бўлди. Дастлаб 35-40 килограмм атрофида ҳосил олинди. 2011 йили эллик, ўтган йили эса олтмиш килограмм мева берди.

— Киви қон босимини тушириш, юрак-қон томир касалликларини даволашда ўзига хос малҳамдир, — дейди суҳбатдошимиз. — Шу боис унга қизиқиш тобора ортмоқда.

Ҳабибуллонинг киви дарахтлари айни кунларда ғуж-ғуж ҳосилга кирган. Мевалар куз охирлаши билан узилиб, Андижон бозорларига чиқарилади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Сирдарё вилоятидаги мавжуд 48 та касб-ҳунар коллежининг ҳар бирига 5 гектардан ер ажратиладиган бўлди. Ушбу экин майдонларида шу йилнинг куз ойларида тераклзорлар барпо этиш режалаштирилган.*

## Коллежлар учун экин ерлари

Кўчатлар сотиб олиш ҳамда бошқа сарф-харажатлар ҳомий ташкилотлар ва бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан молиялаштирилади.

Айни пайтда вилоят ҳокимлигининг бу хайрли ташаббусини амалга оширишда ҳудуддаги фермерлар, машина-трактор парклари жамоалари ҳам ёрдам кўрсатиш истагини билдиришмоқда.

Эътиборли жиҳати, уч йилдан сўнг етиладиган тераклардан тушган маблағлар ўша йили коллежларни битирадиган йигит-қизларга ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун сармоя сифатида берилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**

**Бир рақам шарҳи**

*2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши*

**7,3**

**фоизни ташкил қилди.**



*Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техник янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш, унинг тармоқларига замонавий технологияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқон ва фермерлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли барча экинлар, хусусан, ғалладан рекорд даражада ҳосил олингани бу борада муҳим омил бўлди.*

## Марғилон адраслари Деновда тўқилмоқда

*Денов шаҳрида фаолият юритаётган “Водийлик келин” касаначилик марказида келинлар учун миллий либослар, қуроқ ва зардўзлик буюмлари тайёрланади.*

Яқиндан бошлаб бу ерда атлас ва адрас тўқиш ҳам йўлга қўйилди.

— Лойиҳани амалга оширишда “Ҳунарманд” уюшмасининг Марғилон шаҳар бўлими кўмагидан фойдаландик, — дейди марказ раҳбари Наргиза Улуғова. — Ҳозир марказимиз қошидаги цехга ўрнатилган дастгоҳлар ёрдамида 2,4, ва 8 ипли адрас тўқилмоқда. Марғилонда малака ошириб қайтган Нигора Холмўминова ҳамда Сарвиноз Абдураҳмонова эса адрас ва атлас тўқишнинг нозик сирларини шогирдларга ўргатишмоқда. Айни пайтда улар томонидан тайёрланаётган “Тримул”, “Юракча”, “Туморча” ва “Кўзача” сингари адрас нусхаларига кўплаб буюртмалар туша бошлади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кутубхонанинг электрон каталоги

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази хизматидан фойдаланувчи 23 минг нафардан зиёд китобхон учун яна бир қулайлик юзага келди.*

Бу ерда нодир адабиётлар ва қўлёзмаларнинг электрон каталоги яратилди.

— 250 минг нусхадан кўпроқ китоб фондига эгамиз, — дейди мазкур марказ раҳбари М. Самадова. — Биз ана шу адабиётларнинг етмиш фоизини электрон каталогга киритдик. Бу ахборот олувчига қулайлик туғдиради, унинг вақтини тежайди. Гап шундаки, китобхон эндиликда интернет орқали сайтимизга кириб, мавжуд адабиётлар ҳақида зарур маълумотни олиш имконига эга. Кейин эса марказимизга келиб ўзига керакли китоб ёки қўлёзма билан батафсил танишиб чиқиши мумкин. 2015 йилгача барча адабиётлар рўйхатини электрон каталогга жойлаштириш мўлжалланган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида йирик корхоналарда қиймати 104,1 миллион долларлик 1721 яроқсиз, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди. Йирик саноат корхоналарида энергия ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф этиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 10,4 фоизга камайтиришга эришилди.

Ҳисобот даврида Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида инновация технологияларини оммавий ишлаб чиқаришга жорий этиш қиймати 43 миллиард сўмликдан ортиқ инновация маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини берди.

Мамлакатимизда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида технологик ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдириш учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга банкларнинг 1430 миллиард сўмлик ёки 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди. Натижада истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 14,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 7,9 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари 19,8 фоизга ошди. Телевизорлар, энергия тежайдиган лампалар, пайпоқлар, сариёғ ва ўсимлик мойи, сут маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, ёрма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Енгил саноат корхоналари томонидан тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 32 та янги тури ва 58 та янги модели ишлаб чиқарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 1056 лойиҳа бўйича қиймати 5,3 триллион сўмлик ёки 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,1 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада импорт ўрнини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 19,4 фоизга кўпайди ва 2,5 миллиард доллардан ошди.

61 турдаги янги маҳаллийлаштирилган маҳсулотни, жумладан, занглламайдиган консол насослар, синтетик калава, янги турдаги ҳаво, мойлаш ва ёқилғи фильтрлари, болалар ўйинчоқлари, тиш пастаси, косметика ёғлари, ювиш воситалари, аккумулятор моноблоклари, ер устида ҳаракатланадиган транспорт учун хавфсизлик ойналари, микротўлқинли печлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 404,2 миллион долларни ташкил қилди. Экспорт таркибидан мамлакатимиз корхоналари томонидан ҳисобот даврида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзлаштирилган 25 турдаги янги маҳсулот ҳам жой олди.

Умуман, иқтисодиётимиз тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш ва экспортчиларни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида товар ва хизматлар экспорти ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 11,4 фоизга ўсди. Аммоний сульфати, суюлтирилган газ, иккиламчи алюминий, юк автомобиллари, буғдой, трикотаж полотно, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа товарларни экспортга етказиб бериш ҳажми анча ошди. Қиймати 300 миллион доллардан ортиқ 130 турдаги янги маҳсулотлар, шу жумладан, енгил автомобиллар учун ташқи ён ойналар ва тутун чиқариш тизимлари тўпламлари, иссиқ ёйилган пўлатдан электр пайвандланадиган пўлат қувурлар, сопол кошинлар, иккиламчи ПЭТдан тайёрланган тола, таралар, болалар велосипедлари, гилам маҳсулотлари, косметика воситалари ва бошқалар экспорт қилинди.

2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржасининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида умумий айланма ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 25,3 фоизга ўсди. Биржа савдоларида шифер, мис маҳсулотлари, рангли металл парчалари, суюлтирилган газ, кўмир, иккиламчи алюминий, ўсимлик ёғи ва пахта линтини сотиш ҳажми анча кўпайди. Биржа савдоларида кичик бизнес субъектлари томонидан қиймати 371,2 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди ёки бу умумий биржа айланмаси ҳажмининг 11 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш, уларни янги мулкдорларга топшириш бўйича тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён тегишли дастурларга киритилган корхоналарни қайта тиклаш учун 1408,2 миллиард сўмлик инвестиция, жумладан, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 756,2 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда 23 мингга яқин янги иш ўрни ташкил қилинди, қиймати 1881,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 48,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг 13 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Ахборот-коммуникация технологиялари базасида янги турдаги хизматларнинг жорий этилиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 21,5 фоизга ошди. Молиявий воситачилик институтлари ва истеъмол кредитлари ҳажмини кўпайтиришга доир кўрилган чоралар молия хизматлари ҳажмини 28,5 фоизга ошириш имконини берди. 2,2 мингдан зиёд янги чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ишга туширилиши тегишли хизматларни 15,2 фоизга кўпайтиришга ёрдам берди. 3 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объектларининг ташкил этилиши натижасида маиший хизматлар 17,7 фоизга кўпайди.

Умуман айтганда, 2012 йилнинг биринчи ярмига нисбатан хизматлар ҳажми 12,1 фоизга ошди. Бунинг натижасида ялпи ички маҳсулот тузилмасида хизматлар соҳаси улуши 2012 йилнинг биринчи ярмидаги 52,2 фоиздан 52,4 фоизга ўсди.

Ҳисобот даврида банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида тижорат банкларининг жами капитали 23,6 фоиз, уларнинг жами активлари 30,7 фоиз, мижозларнинг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоиз ошди. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизга етди ва бу Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг амалдаги минимал талабларидан 3 баравар кўпдир.

Банклар ресурс базасининг кўпайиши тижорат банклари томонидан кредит ажратиш ҳажмини 1,3 мартага, шу жумладан, муддати бир йилдан ортиқ узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини 31,2 фоизга кўпайтириш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга 3,4 триллион сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди. Бу эса 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

## III. Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

Иқтисодиётда жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 12,1 триллион сўмни ташкил этди ва 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан қиёсий нархларда 10,5 фоизга кўпайди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш мақсадлари учун 62,6 фоиз йўналтирилди.

Инвестициялар ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 43,9 фоиз, аҳоли маблағлари эвазига 26,1 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 10,1 фоизга таъминланди. Бунда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 25 фоиздан зиёдини аҳоли маблағлари ташкил этди. Бу аҳолининг инвестиция фаоллиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмини 13,2 фоизга ошириш имконини берди ҳамда уларнинг ҳажми 1148 миллион долларни ташкил қилди. Бунда хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмининг 854,9 миллион доллари ёки 74,5 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

2013 йилнинг Инвестиция дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 6,8 миллиард долларлик 141 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. 28 йирик инвестиция лойиҳасини, хусусан, «Тошкент ИЭМ» ОАЖда конгенарацион газ турбинали технологияларни жорий этиш», «Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини жиҳозлаш, ДКС ва Жанубий Ўртабулоқ газ қувурини — МГИЗ қуриш», «Муборак ГИЗда ишдан чиқаётган қувватларни, яъни 16- ва 17-олтингугурт тозалаш блокларини компенсация қилиш», «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» кичик станциясини реконструкция қилиш», «Фотон» ОАЖда электрон тарозилар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва дастурий таъминот функциясига эга назорат-касса машиналарининг замонавий моделларини ўзлаштириш», «Бекободцемент» ОАЖда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қуруқ услубда цемент ишлаб чиқарадиган янги линияни қуриш», «Stroy Max Invest» қўшма корхонаси МЧЖда газ-бетон ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Тошкент вилоятида тўқимачилик комплексини ташкил қилиш (1-босқич)» ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш якунланди.

Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида автомобиль газ баллонлари, арматура ва полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича иккита янги лойиҳа жорий этилди. Умумий қиймати 58 миллион доллардан зиёд олтита инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳисобот даврида «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 200 миллион доллардан ортиқ ўнта инвестиция лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, «Ўз-Приста Ресайклинг» қўшма корхонасининг бўш қувватларида ишлатиб бўлинган мойлардан базавий мойлар, техник кремний, турли диаметрли мис қувурлар, санитария керамикаси, энергия тежайдиган ёруғлик диодли лампалар, автомобиллар учун тормоз тизимлари, брикет кўмир ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, янги шакар заводини барпо этиш ва кўнчилик комплексини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, қўшимча 21 лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва улар юзасидан зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Янги ташкил этилган «Жиззах» махсус индустриал зонасини ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг икки чораги давомида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ишлари бошланди. «Жиззах» махсус индустриал зонаси Маъмурияти кенгашининг протоколи билан зона ҳудудида кейинчалик амалга ошириш учун 93 та истиқболли лойиҳа тасдиқланди.

## IV. Йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш

Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида 350 миллиард сўм ўзлаштирилди. Шунинг 292,5 миллиард сўми Республика йўл жамғармаси, 57,4 миллиард сўми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан четдан олинган кредитлардир.

Ўтган даврда узунлиги 219,7 километрлик автомобиль йўллари участкалари, жумладан, Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик А-373 «Тошкент — Ўш» участкаси, «Тошкент айланма йўли» янги йўналиш участкасининг 8 километри, А-380 «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов» автойўли участкасининг 100 километрида қурилиш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. Шунинг 50 километри асфальт-бетон ва 50 километри цемент-бетон қопламали 4 полосали йўлдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий автомагистрали бўйидаги 25 инфратузилма ва сервис объектида қурилиш-монтаж ишлари бошланди.

"2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги дастурни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси лойиҳалари бўйича қиймати 161,8 миллион долларга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. 109,5 километр темир йўл қайта тикланди, 227 юк ва 15 йўловчи вагонлари тайёрланди. Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 19,1 миллион доллар ўзлаштирилди. «Ангрен — Поп» янги электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ишлари бошланди.

## V. Қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни янада модернизация қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узунлиги 499,1 километрлик коллекторлар, 25,4 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи, 21 мелиорация қудуғи ва насос станциясини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 7012,1 километрлик хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоғи, 125,8 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоғи ва 2231 мелиорация қудуғида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва замонавий агротехника услубларини жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда илк бор 7,6 миллион тоннадан ортиқ ғалла ҳосили етиштирилди. Бунда ўртача ҳосилдорлик гектаридан 49,2 центнерни, жумладан, суғориладиган ерларда 55 центнерни ташкил қилди.

Асосий ва оралиқ экин майдонларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш мақсадида 251,8 минг гектар ерга сабзавот, 82,4 минг гектар ерга картошка ва 59 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 4,9 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,3 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 4,8 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 5,7 минг гектардаги боғлар ва 3,8 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида умумий майдони 384 гектарлик 22,7 минг иссиқхона ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун 110,2 миллиард сўм, паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун 45,4 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилик хўжаликларини ташкил қилиш учун 15,3 миллиард сўм ажратилди. Республикамизда жорий йил бошидан буён 38 минг бош қорамол боқиладиган 1138 чорвачилик хўжалиги, 4,5 миллион товуқ парвариш қилинадиган 592 паррандачилик хўжалиги, 3,4 минг гектар сунъий ҳовузда 601 балиқчилик хўжалиги, 1428 асаларичилик хўжалиги ташкил қилинди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар сони 10,3 миллион бошга етди (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 фоиз), 831,7 минг тонна гўшт (107 фоиз), 3,4 миллион тонна сут (107,1 фоиз), 2,3 миллион дона тухум (116,9 фоиз), 2,2 миллион тонна сабзавот (114,2 фоиз), 1,1 миллион тонна картошка (111,9 фоиз), 135,7 минг тонна полиз экинлари (112,3 фоиз), 710,7 минг тонна мева (110,6 фоиз), 19,9 минг тонна узум (112,7 фоиз) тайёрланди. 192,3 минг тонна ёки 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 8,3 фоиз кўп мева-сабзавот, жумладан, 114,2 минг тонна сабзавот ва 78,1 минг тонна мева қайта ишланди.

## VI. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, максимал даражадаги қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш

Кичик бизнесни ривожлантириш учун имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини ажратиш, уларни электр таъминоти тармоқларига улаш механизмларини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қатор қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 23,9 миллиард сўмлик 46 давлат активлари сотилди, 19,1 минг фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни 3,7 триллион сўм ҳажмида кредитлар, жумладан, 775,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар), шунингдек, халқаро молия институтларининг кредит линиялари доирасида 59,8 миллион доллар ажратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буён 15,8 минг янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат соҳасида (умумий сонининг 28,2 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (26,8 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (15,1 фоиз), қурилиш соҳасида (9,6 фоиз) ташкил қилинди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг умумий сони 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 фоиз кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларида амалга оширилган давлат харидлари ҳажми 162 миллион сўмни ёки электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 91,6 фоизини ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида махсус ташкил қилинган Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан 288 корхонага маҳсулот экспорти бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти ва халқаро ҳамда мамлакатлар талабларини жорий этиш бўйича 28 давлат билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларининг экспорт ҳажми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 марта ошди ва 1,3 миллиард долларни, жумладан, «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси орқали 329,6 миллион долларни (ўсиш 1,3 баробар) ташкил қилди.

Умуман олганда, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2012 йилнинг биринчи ярмидаги 42,6 фоиз ўрнига 43,2 фоизга, саноатда — 21,8 фоиздан 22,9 фоизга, экспортда — 12,4 фоиздан 19,2 фоизга, бандлик соҳасида — 75,1 фоиздан 75,5 фоизгача ошди.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.**

## VII. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишни таъминлаш

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ўтган давр мобайнида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва бандлигини оширишга доир кенг кўламли чора-тадбирлар бажарилди. Бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга оширишга оид кўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярмида 554,4 мингта иш ўрнини, жумладан, қишлоқ жойларда 334,4 мингта янги иш ўрнини (умумий миқдорнинг 60,3 фоизи) ташкил қилиш имконини берди.

Янги корхоналарни ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 41,6 мингта, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш эвазига 209,5 мингта, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 61 мингта, касаначилик ҳисобидан 123,4 мингта, фермер ва деҳқон хўжаликларида 70,5 мингта, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларида 39,4 мингта, иқтисодий жиҳатдан ночор ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан 8,9 мингта иш ўрни яратилди. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш, касаначилик, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобидан иш билан банд бўлмаган аҳоли даражаси юқори ва ортиқча ишчи кучи мавжуд 28 туманда 66,9 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли бандлиги 2,5 фоизга ошди, иқтисодиёт бўйича иш ҳақи ҳажми 18,5, ўртача пенсия миқдори 28,6 фоизга кўпайди. Умуман, аҳолининг реал даромади 16,3 фоизга ошди.

Шу йилнинг ўтган даврида Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурига мувофиқ, якка тартибдаги янги уй-жойларни қуриш учун ер массивларини ажратиш ва тайёрлаш ишлари бажарилди, якка тартибдаги қурувчилар танлаб олинди. Йил бошидан буён умумий майдони 15,4 минг квадрат метр бўлган 108 якка тартибдаги уй қурилди.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда 5059,7 минг квадрат метр уй-жой (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларда 3752,9 минг квадрат метр (103,1 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буён 1503,6 километр сув қувурлари тармоғи (2012 йилнинг шу даврига нисбатан 153,3 фоиз), қишлоқ жойларда 1357,5 километрлик сув тармоғи (156,9 фоиз) ишга туширилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг биринчи ярмида 48 та умумтаълим мактаби, 5 та касб-ҳунар коллежи ва 100 ўринли ётоқхона, академик лицейлар қошида 400 ўринли ётоқхоналар, 150 ўринга мўлжалланган ва бир кунда 600 кишини қабул қиладиган тиббиёт муассасалари, 11 болалар спорти объекти фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича самарали стратегиянинг изчил ва аниқ мақсадли амалга оширилаётгани натижасида, жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммолар мавжудлигига қарамай, 2013 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори ўсиш суръатлари сақлаб қолинди.

Етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи талабни рағбатлантириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳоли бандлиги, турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш иқтисодиётимизнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш борасидаги асосий вазифалар бўлиб қолаверади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.**

---

## Қисқа сатрларда

● Республика болалар кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан глобаллашув шароитида ёшлар тарбиясининг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда ёшларда соғлом дунёқараш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини янада ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

**● Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида вилоят прокуратураси, вилоят давлат солиқ, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари масъул ходимлари, вилоят, туман фермерлар кенгашлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари вакиллари иштирокида “Хўжалик шартномалари тузилиши ва бажарилишининг ҳуқуқий асослари: томонларнинг жавобгарлиги” мавзусига бағишланган ўқув-семинари бўлиб ўтди.**

● Самарқандда “Ёш тадбиркор — юртга мададкор”, “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” республика танловларининг вилоят босқичи якунланди. Унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 40 нафар тадбиркор ўз бизнес-режаси билан иштирок этди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



## Инвестиция: ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади, — дейди қўшма корхона директори Фурқат Турсунов. — Ҳозир 530 нафардан иборат жамоамизнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шарт-шароит мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, масъулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур қўшма корхона 2007 йилнинг июль ойида фаолиятини бошлаган эди. Ўшандан буён мавжуд цехлар босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Хусусан, корхонага Швейцариянинг “Rieter” компаниясидан замонавий линия келтирилгач, иш ҳажми ортиб, маҳсулотлар экспорт ҳам қилина бошланди. Жорий йилнинг ўтган даврида 4 миллион 621,2 минг АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилгани бунинг тасдиғидир.

Эътиборлиси, жорий йилда қўшма корхона қошида калава ипдан тайёр мато ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Fort Pro Impex” масъулияти чекланган жамияти ҳам иш бошлади. Ҳозирги кунда бу ерда 787 миллион сўмлик маблағ эвазига ўрнатилган дастгоҳлар ёрдамида сифатли матолар ишлаб чиқарилмоқда. Булардан кўринадики, янгиликка интилиш, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш ўз самарасини бермоқда.

Умуман, Навоий вилоятида айни пайтда экспортчи корхоналар сони 63 тага етиб, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар дунёнинг 24 давлатига экспорт қилинаётгани, юртимизда иқтисодиётни модернизациялаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларнинг нақадар тўғри эканлигидан далолат беради.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Компьютерлар ишлаб чиқарувчи “Intel” ҳамда “IBM” компанияларининг даромад кўрсаткичи сезиларли даражада пасайиб кетган.*

## Талаб камаймоқда

Хусусан, жорий йилнинг иккинчи чорагида “Intel” икки миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ишлаган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 фоизга камдир. “IBM” даромади эса 17 фоизга тушиб, 3,23 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Компания вазиятни ўнглаш мақсадида иш ўринлари сонини уч мингтагача қисқартиришни режалаштирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, ҳозир кўпчилик анъанавий компьютерлар ўрнига ихчам ва қулай планшетларни афзал кўраяпти. Шу боис ҳам юқоридаги икки компания маҳсулотларига талаб камайган.

## «Банкротлик» рад этилди

*“Wall Street Journal” нашри АҚШнинг Детройт шаҳри банкрот бўлгани ҳақида хабар тарқатди.*



Лекин бу маълумот ҳали расман эълон қилингани йўқ. Манбада изоҳланишича, ҳозир мазкур маъмурий ҳудуд молиявий жиҳатдан жуда танг аҳволда қолган. Натижада шаҳар аҳолиси сони ҳам камайиб кетаяпти. Масалан, бир пайтлар бу ерда икки миллион киши яшаган бўлса, бугунги кунда 700 минг нафар одам истиқомат қилмоқда. Айни пайтда Детройтдаги 40 мингга яқин тураржой ва бошқа объектлар бўш ётибди. Иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашгани боис шаҳарда жиноятчилик сони кескин ортган.

Мичиган штати суди шаҳар маъмуриятининг банкротлик тўғрисида тақдим этган ҳужжатларида далиллар етарли бўлмагани боис уни тан олмади.

## Зилзила юз берди

*Хитойнинг марказий қисмида 6,6 балли зилзила содир бўлди.*

“South China Morning Post” хабарига қараганда, Миньсянь ва Чжансянь музофотлари чегарасида юз берган ер силкиниши оқибатида 56 киши ҳаётдан кўз юмган, 412 нафар одам тан жароҳати олган. 12 киши эса бедарак йўқолган.

Кўплаб тураржой ва маъмурий биноларга жиддий зарар етган.

Айни пайтда зилзила содир бўлган ҳудудларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётир.

## Арзон ва ишончли

*Бир вақтлар Япониянинг “DAT Motorcar Ko” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Datsun” русумидаги автомобиллар халқаро бозорда анча машҳур эди.*




Аммо кейинчалик мазкур компаниянинг “Nissan” билан бирлашиши натижасида бундай моделдаги машиналарни йиғиш тўхтаб қолганди. Яқинда “Nissan” яна ўша турдаги автоуловларни харидорлар ҳукмига ҳавола этишни режалаштираётганини маълум қилди. Эндиликда “GO”, дея номланадиган автомобиль Ҳиндистонда ишлаб чиқарилади.

Лойиҳага раҳбарлик қилаётган компания мутасаддиси Винсент Кобенинг сўзларига қараганда, “Datsun” автомобиллари машина ҳайдашни орзу қилган ҳар қандай инсон учун жуда қулайдир. Бу унинг шиоридаги орзу (Dream), ҳамёнбоп (Access) ва ишонч (Trust) сўзларида яққол ўз ифодасини топган. Компания номи айнан шу сўзларнинг бош ҳарфидан олинган — “DAT”. “GO” модели ҳам юқоридаги шиорга тўла мос келиши билдирилмоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ижтимоий реклама

**«Соғлом авлод учун»**

**халқаро хайрия жамғармаси**

**чақалоқларда патологик ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра:**

— **1 лот.**
Ҳомиладор аёлларни перенатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз, фенилкетонурия ва муковисцидозни аниқлаш учун «Дельфия - Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламлар бўйича «PRIBORI OY» (Финляндия) фирмаси.

— **2 лот.**
Туғма фенилкетонурияли чақалоқлар учун болалар шифобахш озиғи» бўйича «CROSSWELL TRADING LIMITED» (Буюк Британия) компанияси

**ғолиб бўлганлигини маълум қилади.**

1199R/728

■

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Натижада ҳар қандай, ҳаттоки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам юртимиз равнақ топиб, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора яхшиланаяпти. Қўлга киритилаётган ана шундай ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, таниқли экспертлар томонидан эътироф этилаётгани барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлаётир.*

## «Ўзмиллийбанк»:

# МУНОСИБ ФАОЛИЯТ, ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан молия-банк тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган аниқ чора-тадбирлар дастури ижроси туфайли эришилаётган юқори кўрсаткичлар эътиборга лойиқ. Кейинги йилларда тегишли халқаро агентликлар томонидан Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” рейтинги берилаётгани, бундай юқори баҳо олаётган молия муассасалари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ана шундан далолат беради.

Уларнинг орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ўзига хос ўрни бор. Гап шундаки, мазкур етакчи молия муассасаси халқаро миқёсда ҳам самарали иш олиб бормоқда.

Хусусан, бугунги кунда Миллий банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатидаги қарийб 662 та халқаро молия муассасасини қамраб олган. МДҲ, Ғарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Австралия минтақаларидаги ҳамкорлар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керакки, таниқли “ABA Newsletter” нашрининг шу йил июль сонида ёритилган “National Bank of Uzbekistan: Leading financial institution in Central Asia” мақоласи Миллий банк танлаган ривожланиш стратегияси тўғрилиги ҳамда унинг ички ва ташқи бозорлардаги етакчилик мавқеини яна бир бор намоён этди.

Бундан ташқари, ушбу банк муассасаси “The Banker” нашри ҳар йили эълон қиладиган жаҳоннинг энг йирик 1000 та банки рейтингида 1993 йилдан буён қайд этиб келинмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, у Марказий Осиё, Россия, Марказий ва Шарқий Европадаги энг катта банклар қаторида 862-ўринни эгаллаб турибди. 2012 йил якунларига кўра, Миллий банк “РИА-Рейтинг” рейтинг агентлиги версияси бўйича, МДҲдаги 100 та энг йирик банки орасида 50-поғонадан жой олди.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлашган унинг бўлимлари ва филиаллари 2,5 миллиондан зиёд корпоратив ҳамда хусусий мижозларга кенг доирадаги хизматлар кўрсатилишини таъминламоқда.

“Ўзмиллийбанк” томонидан Германиянинг “Commerzbank AG” ва “Deutsche Bank AG”, АҚШнинг “J.P.Morgan Chase” ва “Citibank”, Швейцариянинг “Credit Suisse” ва “UBS”, Япониянинг “Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ” (BTMU) ва “Sumitomo Mitsui Banking Corporation” (SMBC) каби хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилгани, Хитой Давлат Тараққиёт банки (ҲДТБ), Хитой Экспорт-импорт банки (Хитой “Эксимбанк”и), Корея Экспорт-импорт банки (Корея “Эксимбанк”и), Ислом тараққиёт банки (ИТБ), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC), Халқаро молия корпорацияси (ХМК) унинг асосий шериклари эканлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

Миллий банк ҳукуматлараро комиссиялар аъзоси сифатида хорижий банклар ҳамда молия муассасаларининг маблағларини республикамиз иқтисодиётига жалб қилиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш ва бошқа масалаларни ҳал этишда фаол қатнашаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Қолаверса, “Ўзмиллийбанк” 2005 йилдан буён Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Банклараро бирлашмаси (ШҲТ ББ) аъзоси ҳисобланади. У ушбу нуфузли бирлашма аъзолари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда, ББ доирасида ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиб келаётир.

Маълумки, 2012 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ривожланиш ва бозор ислоҳотлари жараёнига янада чуқур кириб бориш жараёни кузатилди. Ана шундай қулай макроиқтисодий шарт-шароит “Ўзмиллийбанк”нинг муваффақиятли ишлаши учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Жумладан, молия муассасаси ундан унумли фойдаланиб, ўтган йилни салмоқли натижалар билан якунлади. Бу пировардида банкнинг нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам етакчи кредит-молия муассасаси сифатидаги обрўсини янада мустаҳкамлади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ўсиши ҳамда халқаро иқтисодий саҳнада эгаллаган муносиб ўрни мустаҳкамланишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, давлатимизнинг макроиқтисодий устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган Миллий банк стратегияси, халқаро молия бозоридаги ҳозирги ҳолатга кўра, энг мақбул чора-тадбирлар комплексларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса, яқин истиқболда ҳам “Ўзмиллийбанк” янада тараққий этиши, минтақада эгаллаб турган пешқадамлик мавқеи тобора мустаҳкамланишини кафолатлайди.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**

**Маълумот учун:**

Осиё банкчилари уюшмасининг “ABA Newsletter” журнали 1984 йилдан чиқа бошлаган. Мазкур нашрда уюшмага аъзо банкларнинг фаолияти, ҳам маҳаллий, ҳам халқаро молия бозоридаги фаолияти ёритилади, шунингдек, улар ўз мижозларига тақдим этаётган хизматлар ҳақида ахборот берилади.

2004 йилдан бошлаб бу мақолаларни уюшманинг www.aba.org.tw расмий web-сайтида ҳам ўқиш мумкин.

Реклама ўрнида

● Реклама ва эълонлар ●

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803 - сонли, 2011 йил 29 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, умумий майдони 481 кв.м.дан иборат ер участкасида қурилган бино-иншоотнинг умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 737 950 359,40 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 12 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 9 август куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0001.*

1203R/1453

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғиждувон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 20-1101/l3257-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғиждувон тумани, Зафаробод қўрғонида жойлашган, қурилиш майдони 1402,0 кв.м.дан иборат, бир қаватли бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси —423 969 303 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 26 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 август куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0001.*

1202R/1453

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I. 1.** Аукцион савдосига Миришкор тумани СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 2 майдаги 2-12-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Миришкор тумани, Миришкор қишлоғи, «Қарши-Помуқ» автомобиль йўли ёқасида жойлашган, «PROGRESS GAZ SERVIS» МЧЖга қарашли, умумий фойдаланиш майдони 8638,12 кв. метр бўлган «Автомобилларга суюлтирилган газ ёқилғиси қуйиш шохобчаси» такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 298 009 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган, «Китоб меҳмонхонаси» такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 270 119 900 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 9 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 7 август куни соат 18.00 гача.

**II.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 7 июндаги 18-1302/13383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Минора қуриш экспедицияси» ОАЖга қарашли, Қарши шаҳри, Шайхали қўрғони, «Қарши — Косон» йўлида жойлашган, 1989 йилда қурилган, умумий ер майдони 28778,07 кв.м., қурилиш майдони 3249,50 кв.м. бўлган чўчқахонанинг бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 555 883 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 23 август куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой (собиқ М. Абдуллаева) кўчаси, 20-уй. Телефон (8-375) 225-44-58. www. 1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1204R/1453

**ЁАЖ шаклидаги «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» ҚК лизинг компанияси**

**тошни майдалаб-сараловчи ускуна сотилиши**

***ҳақида эълон қилади.***



**Ускуна шокли майдаловчи, конусли майдаловчи, вертикал валли зарбли майдаловчи, ғалвир машинаси, қумювгич ҳамда транспортёрдан иборат. Қуввати соатига — 100 тонна. Ускуна Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган.**

**Тўлиқ маълумот олиш учун бизнинг офисга мурожаат қилишингиз мумкин. Тел: (+99871) 120-02-02. Масъул шахс: *Холтўраев Суҳроб.***

1122R/668

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Когон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2010 йил 13 июлдаги 20-1004/9218-сонли ҳамда 2011 йил 26 декабрдаги 20-1107/21764-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Когон тумани, «Беклар» ҚФЙда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 6800,0 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 123 130 550 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 29 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 27 август куни соат 18.00 гача.

Шунингдек, такрорий аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, К. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500.1 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 13 август куни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия RR-0001.*

1201R/1453

**ВИРИН ХСК**

**КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ**

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали ҳашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — ғўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга рухсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

**Манзил: Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй. Тел.: (+99890) 920-32-99, (+99894) 160-27-24.**

*МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН*

1159R/690

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси хирургия бўлими катта илмий ходими Руслан Раҳмоновга падари бузруквори

**Одилжон РАҲМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Ўзагромашсервис” уюшмаси жамоаси, Уюшма раиси ўринбосари Хикмат Ишмуратовга акаси

**Нормамат ИШМУРАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази жамоаси етакчи илмий ходим, техника фанлари доктори Дилноза Мухаммадиевага волидаи муҳтарамаси

**Лола ая АБАСОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

*Мустақиллик шарофати билан кўплаб мутафаккирларимиз қатори буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг бой ижодий меросини қайта ўрганиш, унинг ғоявий-фалсафий қарашларини тадқиқ қилиш, шу билан бирга, буюк давлат арбоби, мутафаккир шоирнинг ҳаёти ва фаолияти жиддий таҳлил этилишига кенг йўл очилди. Шу маънода, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” тадқиқоти эътиборга моликдир. Тадқиқотчи услубидаги соф илмий ёндашув, таҳлилларнинг пухта ва аниқ манбаларга асосланганлиги ўқувчида чуқур таассурот қолдиради. Ана шу тадқиқотлар яхлит ҳолатда 2011 йилда “Академнашр” нашриётида тўлиқ чоп этилди.*

# Навоийшуносликда янги тадқиқот

Муаллиф Алишер Навоий ҳақида маълумот берувчи ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган араб ёзувида ва асосан, форс тилида битилган асл манбаларни, Буюк Британиядаги машҳур Бодлеан кутубхонасида сақланувчи Навоий даври қўлёзма манбаларини синчиклаб ўрганиб чиққан. Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳусайн Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Заҳириддин Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо каби йигирмадан ортиқ XV-XIX асрларда яшаб ўтган тарихчи ва олимларнинг саксон уч (!) қўлёзма асари синчиклаб қиёсланган ва ҳар бир маълумот бўйича инкор этиб бўлмайдиган хулосаларга келинган. Айниқса, 83 қўлёзма асарнинг камида 2-3 та нусхаси яна ўзаро қиёслаб ўрганилганлиги инобатга олинса, муаллифнинг ушбу асари нечоғлик заҳматлар эвазига дунё юзини кўрганини тасаввур қилиш мумкин. Бундай илмий ишни гуманитар фанлар соҳасидаги жаҳоннинг сара тадқиқотлари қаторига киритиш мумкин.

Китоб катта ҳаяжон билан ўқилади. Тўғрисини айтиш керак, биз аксарият ҳолларда Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти борасида шўро тузуми даврида шаклланган тасаввурлар билан чекланиб қолган эканмиз. Навоийни ўз davридан юлиб олиб, коммунистик қарашларга устомонлик билан мослаштирилганлиги, бунинг тагзаминида халқимиз қадриятларига беписандлик ва буюк тарихий шахсларимизнинг қиёфасини бузиб кўрсатишга бўлган ҳаракат ётганлигини мустақиллигимиз шарофати билан очиқ-ойдин англамоқдамиз. Ш. Сирожиддинов ушбу тадқиқотида нафақат Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятининг объектив қирраларини, балки темурий султонларнинг шахсияти ва тарихий хизматларини ҳам кўрсатишга муваффақ бўлган. Жумладан, унинг темурий султон Абу Саъид Кўрагон ҳақидаги таҳлиллари эътиборга моликдир. Улуғбек Мирзодан кейин Мовароуннаҳрни узоқ йиллар бошқарган ушбу темурий ҳукмдор Ҳиротни қонга ботиргани ҳақидаги сохта хулосалар рад этилгани, Амир Абу Саид исмли лашкарбоши билан адаштириб юборилгани, Султон Абу Саъид Мирзо Шоҳрух Мирзо ўлимидан кейин анча йиллар пароканда бўлган Хуросон давлатини Амир Темур давридаги каби ягона салтанатга айлантириш учун ҳаракат қилгани, шунингдек, Султон Абу Саъид Ҳиротни тинч йўл билан қўшиб олгани ишончли манбалар асосида очиб берилган. Султон Абу Саъид ва Алишер Навоий ўртасидаги ўйлаб чиқарилган “зиддият”нинг асослари пуч эканлиги исботланган. Худди шу фикрни Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий муносабатлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шоирни шоҳга қарши турган “инқилобчи”, ўзининг номаъқул хатти-ҳаракатлари билан сургунга маҳкум этилган “халқ вакили” сифатида кўрсатишга бўлган ҳаракат муаллифларига тадқиқот давомида муносиб жавоб берилган.

Тадқиқот янги маълумотларга ҳам бой. Жумладан, Алишернинг отаси ҳақидаги мавжуд қадимий ва замонавий маълумотлар бирма-бир текширилган, шоир отасининг Шоҳрух Мирзонинг невараси Мирзо Иброҳим даврида султоннинг энг яқин маслаҳатчиси бўлганлиги, Ғиёсиддин Кичкина деб номланиши Султон Ҳусайн Бойқаронинг отаси Ғиёсиддин билан бирга ўсганлигига ишора этувчи белги билан боғлиқлиги кўрсатилган. Навоийнинг укаси Дарвиш Алининг мавқеи ва унинг акасига нисбатан тайёрланган фитналарга қарши кураши, Мажддиддин Муҳаммаднинг тажрибали давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва Навоийга нисбатан баланд ҳурмати навоийшуносликдаги мавжуд қарашларни ўзгартиради. Монографияда шоирнинг отаси унинг 11-12 ёшлигида вафот этганлиги ҳақидаги хулосалар ҳам аниқ маълумотлар асосида рад қилинган.

> Тадқиқотнинг услуби ҳам ўзига хос. Навоий ҳаёти талқини икки босқичга бўлиб ўрганилган. Биринчи босқич асосий ёки бирламчи талқин даври, деб номланиб, XV аср Навоий замонида яратилган манбаларнинг ўзаро қиёсий таҳлилига асосланган. Иккинчи босқич кўчирма талқин даври деб номланиб, XVI-XIX асрларда Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Афғонистон, Шарқий Туркистон (Хитой) ва Волгабўйи туркий халқлари томонидан яратилган юзлаб қўлёзма асарларга хосдир.

Улардаги маълумотларнинг генезисини тиклаш жуда қийин текстологик иш ҳисобланади. Чунки бу даврлар ижодкорлари Амир Алишер ҳақида янги гап айтиш илинжида халқ ривоятлари орқали етиб келган Навоий ҳақидаги маълумотларни ҳам, қўлларига тушган бошқа маълумотларни ҳам бирга ўз асарларида қайд этганлар. Йиллар ўтиши билан муаллифларнинг турли даражадаги иқтидори, дунёқараши, мақсадли ёндашуви оқибатида Навоий ҳақидаги маълумотлар кескин ўзгаришга учраган. Турлича талқинлар вақт ўтиши билан аллома ҳақидаги бир-бирига зид, кўп ҳолларда, нотўғри маълумотларнинг оммалашувига ва илк манбалардаги маълумотлардан узоқлашувига олиб келган. Баъзан илк манбадаги маълумот кейинги давр “гибрид” маълумоти билан омихталашиб, янги яратилган асарларда янада янгича кўриниш касб эта бошлаган. Оқибатда биз мўътабар ҳисоблаган баъзи қўлёзмаларда ҳам Навоий ҳақидаги маълумотлар “ясама” фактларга асосланиб берилгани шоир ҳаёти ва фаолияти, шахсияти масалаларида кўпдан-кўп баҳсли ўринларнинг туғилишига сабаб бўлган.

Монографияда шоир ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир факт асосий ва компилятив талқинларни ўзаро қиёсий ўрганиш орқали баҳоланган ва тегишли илмий хулоса чиқарилган.

Иловаларда XV аср иккинчи ярми — XVI аср биринчи ярмида яратилган Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир илк маълумотларни ўзида акс эттирган қўлёзма манбалар, маълумотлар таснифи ҳамда тавсифи келтирилган. Алишер Навоий билан суҳбат ва мулоқотда бўлган ёки учрашмаган бўлса-да, ўша даврда яшаб, муайян манбалар асосида у ҳақда маълумот келтирган муаллифларнинг кўрсатмалари остида Алишер Навоийга доир илк қарашлар кўриб чиқилган.

Хулоса ўрнида айтганда, Ш. Сирожиддиновнинг ушбу тадқиқоти давлатимизнинг маънавий юксалиши йўлида олиб бораётган оқилона сиёсатининг амалий ифодасидир. Айтиш мумкинки, ушбу илмий иш адабиётшунослигимизнинг мустақиллик даврида қўлга киритган салмоқли ютуғидир. Бинобарин, унинг 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тавсия этилиши айни муддао бўлиб, бу адабиётшуносликка қаратилган эътибор самараси, дейиш мумкин.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, филология фанлари доктори, профессор.**

Бурж



*Шу кунларда ҳаво тез-тез ўзгариб турибди. Бу қуёш саратон буржидан асад буржига оғганидан далолатдир. Ушбу паллада баъзи кунларда об-ҳаво нисбатан иссиқ бўлса, гоҳида нисбатан салқин ҳарорат кузатилади. Тўлиқ асаднинг ҳукмига ўтгач эса, офтобнинг ҳовури сал пасаяди.*

# Масъулиятли палла

Ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, бешинчи ой — асад кирди. У 22 августгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Шу давр деҳқончиликда энг тиғиз меҳнат мавсуми ҳисобланади. Нега деганда, кўпгина қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари мазкур мавсумда амалга оширилади. Буни халқимизнинг “Асад — экинингни ясат” деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкин.

Дарҳақиқат, асадда бажариладиган ҳар бир юмушнинг ўзига хос нозик жиҳатлари бўлиб, уларни бекаму кўст адо этиш, экинни том маънода “ясатиш” керак. Бунинг биринчи шарти — ғўзани сувга қондиришдир.

Асад айни пишиқчилик мавсуми ҳам ҳисобланади. Бу пайтга келиб, мевалар пишиб, бол тўплайди. Айниқса, чиллаки узум шарбатга тўлса, полиз маҳсулотларига таъм киради. Халқимизнинг “Асадда оралаб е, сумбулада саралаб” деган мақолида айни шунга нисбат берилган. Аммо юртимизда кейинги йилларда интенсив технологиялар қўлланилаётгани туфайли тарвуз, қовун эрта муддатларда ҳам тортиқ қилинаётир.

Кексаларнинг айтишича, “Асаднинг бир куни қишнинг ўн кунини босади”. Бунинг маъноси шуки, унинг ҳар бир дамидан унумли фойдаланиб, ёз неъматларини қишга ғамлаб қўйиш керак. Буни, масалан, юртимиз чорвадорлари чуқур ҳис қилган ҳолда, чорва учун хашак жамғаришга зўр бермоқдалар.

Асад ойининг сўнгги кунларида тариқ, шолғом, лавлаги, шунингдек, такрорий экинлар уруғини ерга қадаш ҳам кутилган самарани беради. Зеро, бу ой ҳосил яратиш палласидир.

**Р. САИДОВ тайёрлади.**

## Спорт

*Хитойнинг Нанкин шаҳрида фигурали учиш бўйича ўтказилган “Asian Figure Skating Challenge” халқаро турнирида ҳамюртимиз Миша Ге энг юқори балл жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди.*

# Ҳамюртимиз — халқаро турнир ғолиби

Қайд этиш жоизки, бу спортчимизнинг янги мавсумда қатнашган дастлабки мусобақаси ҳисобланади.

Энди тажрибали спортчимиз шу йилнинг 8 — 12 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ташкил этиладиган “Asia Open Trophy” халқаро турнирида ўз имкониятини синаб кўради.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз. Миша олдинроқ Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, келаси йили бўладиган қишки Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритган эди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

*Нукус шаҳрида “Футболимиз келажаги” анъанавий турнирининг ҳудудий босқичи ўтказилди.*

# «Футболимиз келажаги»

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидан 9-14 ёшдаги футболчилар иштирок этди.

Турнирда ғолиблар уч ёш тоифасида аниқланди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманининг “Туркистон” (9-10 ёшли), Хоразм вилоятининг “Бинокор” (11-12 ёшли), Бухоро вилоятининг “Чорбахосса” (13-14 ёшли) жамоалари биринчи ўринни қўлга киритди.

Энди улар мусобақанинг республика босқичида ўз имкониятларини синаб кўрадилар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

«ТАЪТИЛ — 2013»

*Айни кунларда кўплаб болажонлар таътил кунларини ёзги дам олиш оромгоҳларида ўтказишмоқда. Уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларида маданий тадбирларнинг ўрни бўлакча.*

# Санъаткорлар болажонлар ҳузурида

“Камолот” ЁИҲ Жиззах вилояти кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ “камолотчилар” ҳамда Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрининг актёр ва хонандалари воҳанинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларда бўлиб, болажонлар учун концерт дастурлари, спектакллар намойиш этишмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Зомин тоғлари бағрида жойлашган Ё. Норбеков номидаги ҳамда 29-Меҳрибонлик уйига қарашли “Лочин” оромгоҳларида уюштирилди.

— Масканимизда 185 нафар бола дам олаяпти, — дейди Ё. Норбеков номидаги оромгоҳ раҳбари Ҳайдарбек Эргашев. — Болажонлар учун барча шарт-шароит яратилган. Турли аттракционлар, бир қанча тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Инглиз тили машғулотига қатнашувчилар сони, айниқса, ортиб бораяпти. Кутубхонамизда 300 дан зиёд китоблар мавжуд. Фарзандларидан хабар олгани келган ота-оналар оромгоҳдаги шароитдан хурсанд бўлиб қайтишмоқда.

“Лочин” болалар оромгоҳида ўтказилган тадбир Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўзгача кайфият бағишлади. Кичкинтойлар концерт дастурлари ва спектаклларни мириқиб томоша қилишди.

**Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ватанга муҳаббат, касбга садоқат

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маданият саройида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вазирлик миқёсидаги якуний босқичи бўлиб ўтди.*

ТАНЛОВ

Унда санъатга ҳаваси бор ички ишлар идораларининг ходимлари мустақил юртимизни мадҳ этувчи энг сара қўшиқлари билан қатнашишди.

— Ватанни асраш, унга хизмат қилиш кишига қанчалик ғурур бағишласа, у ҳақда куйлаш ҳам шунчалик масъулият талаб этади, — дейди танлов ғолиби, Ички ишлар вазирлиги ашула ва рақс ансамбли хонандаси Фарҳод Қамбаров. — “Оламда бир юрт бор” деб номланган таронамиз мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганидан бениҳоя мамнунмиз. Ватан тинчлиги, осойишталигини тараннум этишданда ортиқ бахт йўқ, аслида. Шундай обод юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Шунингдек, танловнинг иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Элдор МАДАТОВ.**





# Қадр топган қадамжо



*Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Тошкент вилоятида ҳам қадимий обидалар, табаррук қадамжолар, бетакрор табиат ёдгорликлари жуда кўп. Жумладан, бугун воҳада 500 га яқин маданий мерос объектлари рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми археологик топилмалардан иборат.*

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Айтайлик, Оҳангаронданги “Кўлбулоқ”, Бўстонлиқдаги “Хўжакент”, “Обираҳмат”, Паркентдаги “Бошқизилсой” петроглифлари нафақат юртимиз, балки кўплаб хорижлик геолог олимларнинг ҳам ҳайрат ва қизиқишларига сабаб бўлган.

Шу билан бирга, вилоятда Зангиота, Шоабдумаликбобо, Шайх Умар Вали, Ҳасти Бузрук, Пайғамбарота, Ийкота ва бошқа ўнлаб табаррук зиёратгоҳ ва қадамжолар ҳам борки, улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келувчи зиёратчилар билан доимо гавжум.

Маҳаллий аҳоли табаррук қадамжо деб ҳисоблайдиган “Қизил мозор” ёдгорлиги ҳам — шулардан бири. Бекобод туманидаги Тақачи қишлоғида жойлашган мазкур обида ҳақида халқ орасида турли афсонаю ривоятлар тилдан-тилга ўтиб келмоқда. Улардан бири — буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ.

Ривоятда айтилишича, “Қизил мозор” мақбарасининг бунёд этилиши тарихи қуйидагича: Бобур Мирзо ўз лашкарлари билан душман қўшинига қарши жанглардан бирини худди шу ҳудудда ўтказган. Ушбу тўқнашувда ёғийга қарши тиғ кўтарганлар орасида навқирон бир йигит Бобур диққатини ўзига тортади. У ҳеч тап тортмай душман қўшинини ёриб кирар, ўз хатти-ҳаракати билан чинакам жанг санъатини намойиш этар, унинг эпчиллиги, маҳорати кўп ҳолларда ўзи ва сафдошларини муқаррар ҳалокатдан асрарди. Ҳатто бир гал у Бобур Мирзони ҳам ёғий ҳамласидан сақлаб қолади.

Жанг охирлаганда йигит оғир жароҳатланади. Бобур Мирзо ҳузурида унинг ярасига малҳам қўймоқчи бўлган табиблар беморнинг бош кийимини ечаётиб ҳайратдан лол қоладилар. У... сочлари тақимини ўпган қиз бола экан. Соҳибжамол қиз сўнгги нафасидагина Бобурга бўлган тенгсиз садоқати туфайли ҳарб либосини кийиб қирғинбаротга кирганини аён қилади...

Саркарда бўлиб ўтган воқеадан қаттиқ таъсирланиб, матонатли қизнинг қони тўкилган ерда унинг шарафига мақбара қуришни буюради. Мақбара тиклангач, унга “Қизил мозор” деб ном берадилар...

Бора-бора бу ерни одамлар доимий яшаш учун макон тутдилар. Уй-жойлар, йўл ва кўприклар солинди. Истиқлол шарофати туфайли “Қизил мозор” обидаси маданий мерос намунаси сифатида давлат муҳофазасига олинган. Каттагина қишлоқнинг бир четида сокингина кўр тўкиб турган “Қизил мозор” ёдгорлиги халқ орасида Ватанга муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида алоҳида эъзозланиб келинмоқда.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5